



## **Савол:**

Намозда неча фарз бор ?

## **Жавоб:**

Намозда ўн иккита фарз бўлиб, улардан олтитаси намоздан ташкарида, улар намоз шартлари дейилади:

1. тахорат учун тоза сув, тоза либос
2. тоза жой
3. авратни беркитиш
4. намоз вақти (яъни ўкиладиган намознинг вақти кирган бўлиши)
5. киблага юзланиш
6. ният.

Олтитаси намознинг ичида, улар намоз асослари деб аталади:

1. Аллоху акбар такбири билан намозни бошлаш (такбири тахрима)
2. киём (тик туриш)
3. кироъат
4. рукуъ
5. сажда
6. охирги (ташаххудга) ўтириш.

13/08/2002